

№2 2019
ISSN 2181-8207

УШБУ СОНДА:

КИТОБСЕВАРЛИКНИ
МИЛЛАТНИНГ
СИФАТЛАРИДАН БИРИГА
АЙЛАНТИРИШИМИЗ
ЛОЗИМ

2 бет

КОМПЕТЕНЦИИ
БИБЛИОТЕЧНЫХ
СПЕЦИАЛИСТОВ
В УСЛОВИЯХ
МЕНЯЮЩЕЙСЯ
ВНЕШНЕЙ СРЕДЫ


14 бет

СОЗДАНИЕ ШИРОКОЙ
ПОДДЕРЖКИ И
ФИНАНСИРОВАНИЯ
ДЛЯ БИБЛИОТЕКИ
ОКРУГА МАЛТНОМА
(ПОРТЛЕНД, США)

30 бет

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ
РЕСУРСОВ SPRINGER NATURE
УЧЁНЫМИ УЗБЕКИСТАНА
ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ НАУЧНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

54 бет



УШБУ СОНДА: В НОМЕРЕ:

- 1 **ТАХРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
Ушбу сонда
- 2 **УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА**
Китобсеварликни миллатнинг сифатларидан бирига айлантиришимиз лозим. **С. Назаров**
- 6 **ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
Новости информационно-библиотечной сферы в мире
- 10 **АНЖУМАН – КОНФЕРЕНЦИЯ**
«CENTRAL ASIA – 2019: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XIII Халқаро конференцияси
- 14 **ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ – МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРАКТИКА**
Компетенции библиотечных специалистов в условиях меняющейся внешней среды. **Н. Редкына**
- 18 Особенности создания и функционирования музеев истории библиотек.
В. Соколов
- 24 Традиции получения даров в Латвийской Национальной библиотеке. **А. Вилкс**
- 30 Создание широкой поддержки и финансирования для библиотеки округа Малтнома (Портленд, США). **М. Сумралл**
- 34 Роль фонда диссертационных исследований в формировании единого научного пространства **И. Сакирко**
- 37 Самообразование как форма повышения компетенции библиотекарей.
И. Лесовая
- 40 Казахская Национальная электронная библиотека как электронный ресурс культурного и научного наследия Казахстана. **С. Назырова**
- 44 Агрегатор научных новостей как информационный ресурс и база для аналитических исследований. **Д. Косяков**
- 48 В современном информационном пространстве. **Ш. Суфиев**
- 50 Образовательный потенциал профессиональных информационных ресурсов веб-сайта. **Л. Прокопенко.**
- 54 Использование ресурсов Springer Nature учёными Узбекистана для проведения научных исследований. **И. Александрова**
- 56 **ЖАҲОН МЕРОСИ – МИРОВОЕ НАСЛЕДИЕ**
Тюркская книжная коллекция Национальной библиотеки Республики Казахстан. **Т. Замзаева**
- 60 **МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
Рукописное наследие Узбекистана. **Ш. Камолитдин**
- 66 Қози лавозими ва унинг одоби ҳақида ёзилган асарлар таҳлили.
Н. Мирзаев
- 70 Ўзбекистон Давлат санъат музейи кутубхонасида сақланаётган ноёб манбалар. **В. Файзиёва**
- 72 Тошкент шаҳар давлат архивидаги халқ таълими жамғармалари тавсифи.
М. Дармонова
- 74 Дипломатик ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғозлар.
О. Қиличев
- 76 **АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
Разработка Национальной информационной системы научных журналов Узбекистана. **Ф. Кучкаров**
- 80 АҚШ кутубхоналарида кўнгилли ходимлар тажрибасидан. **Д. Абдуазизова**
- 84 Единый электронный читательский билет – единая система идентификации пользователя. **М. Ким**
- 86 Сохранение культурного наследия и создание современных образовательных услуг. **Д. Ганиева**
- 90 Информационно-библиотечный центр Сырдарьинской области. **Л.Егай**
- 92 **ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар
- 94 **ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ – БИБЛИОТЕКА МИРА**
Машхурлар камол топган кутубхона. **Д. Мансуров**

«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона журнали
Информационно-библиотечный журнал –
«INFOLIB»

№ 2 (18) 2019 й.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Умида Тешабоева – раис

Кенгаш аъзолари:

Асаджон Ходжаев
Эркин Охунжонов т.ф.д.профессор
Марат Раҳматуллаев тех.ф.д.профессор
Абдусалом Умаров соц. ф.д. профессор
Иброҳим Йўлдошев фил. ф.д. профессор
Бахтиёр Сайфуллаев пед. ф.н. профессор
Тўлқин Тешабоев иқтисод ф.н. доцент
Зухриддин Низомиддинов фил.ф.н
Ғулом Нарзуллаев пед. ф.н.
Комил Алламжонов

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир

Ҳайъат аъзолари:

Гулайим Бердимбетова
Раиса Ратнер
Зухра Бердиева
Абадбой Қиличбоев
Воҳид Ҳамидов тех.ф.н. д.
Баҳодир Мўминов тех.ф.д.

Марина Ким – бош муҳаррир ўринбосари
Даврон Мансуров – муҳаррир
Гулчеҳра Ҳомидова – мусаҳҳих
Раҳимддин Кўзибеков – дизайнер
Абдусаттор Абдуқаҳоров – фотомухбир

Нашр учун масъул

Фаррух Мусаев

Босишга 30.06.2019 йилда рухсат берилди.
Қозғош формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,7.

ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0846 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда
«INFOLIB ахборот-кутубхона журнали»дан
олинганлиги кўрсатилиши шарт

Ушбу «INFOLIB ахборот-кутубхона журнали»
тахририятининг компьютер марказида тайёрланди
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: infolibnl@gmail.com Сайт: www.natlilb.uz
Телефон: +99871 232 83 97, +99871 239 41 24

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг матбаа
бўлимида чоп этилди

Буюртма № 490. Адади 1000 нусха
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй



УШБУ СОНДА:



Қадрли муштарийлар, журналимизнинг мазкур сониди ҳам кутубхоначилик соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, аҳоли орасида мутолаа маданиятини тарғиб қилиш борасидаги бир қатор аҳамиятга молик мақолаларни ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз. Уларни ўқиш орқали кутубхоначилик соҳасида бир-биридан қизиқарли юртимиз ва халқаро миқёсда олиб борилаётган ишлар ва янгиликлар билан танишишингиз мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 24–26 апрель кунлари Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида анъанавий «Central Asia – 2019: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XIII халқаро конференцияси юксак савияда ўтказилди. Унда хориждаги нуфузли кутубхоналарда фаолият юритаётган соҳа вакиллари ҳамда маҳаллий АКМ мутахассислари қатнашдилар. Журналимиз саҳифаларида мазкур конференция ҳақида батафсил танишишингиз мумкин.

Бундан ташқари, «Минбар» рўқни остида Россия Фанлар Академиясининг Сибир Давлат илмий-техника кутубхонаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, педагогика фанлари доктори Наталья Редькинанинг бугунги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган даврда анъанавий ахборот шакллари ва иш услубларини замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш даврийлигини оптималлаштириш ва тақдим этилаётган ахборот маълумотлари хизмати кенгайтириш каби масалалар бўйича фикрлари ўрин олган.

Журнални кузатиб бораётган мухлисларга яхши танишки, ҳар бир сонда «Меҳмон» рўқни остида фан ва жамоат арбоблари билан суҳбат ташкил этилмоқда. Бизнинг бу галги меҳмонимиз «Академнашр» нашриёти директори Санжар Назаровдир. Суҳбатдошимиз билан бугунги кунда китоб нашр этишда ноширларнинг энг оғриқли нуқталари, таржима адабиёти, китобдаги хато ва камчиликлар, нашриёт ва муаллифлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида суҳбатлашдик.

«Халқаро амалиёт» рўқнида эса Латвия Миллий кутубхонаси директори Андрис Вилкснинг 1998 йилда Латвия Миллий кутубхонасининг янги биносини барпо этиш бўйича ташкил этилган жамоатчилик кенгаши ҳақидаги лойиҳалари, АҚШнинг Портленд шаҳридаги Малтнома ҳудудий кутубхонаси бош ижрочи директори Меррис Сумраллнинг АҚШда ҳудудий кутубхоналарга ҳукумат томонидан

молиявий кўмак беришда жиддий муаммоларга дуч келинаётгани ва бу айрим кутубхоналарнинг ёпилишига сабаб бўлаётгани ҳақида сўз боради.

Ярослав Мудрий номидаги Украина Миллий кутубхонаси етакчи мутахассиси Лилия Прокопенко томонидан Украина Миллий кутубхонасининг бошқа кутубхона муассасаларига қараганда мураккаб бўлган функциялари, Россия давлат кутубхонасининг диссертациялар бўлими мудири, бошқарма бошлиғи Ирина Сакирко томонидан 1944 йилда ташкил этилган Россия давлат кутубхонаси диссертациялар фондининг бугунги кундаги фаолияти, Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонасининг электрон ресурсларни бошқариш хизмати раҳбари Саулеш Назирова Миллий электрон кутубхоналарни яратишнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берган.

Шунингдек, журнални варақлар экансиз, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори, тарих фанлари доктори Шамсиддин Камолиддиннинг мақоласида ҳозирги даврда Республикамиз миқёсида нодир қўлёмаларни тўплаш ва илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий ишлар хусусида танишишингиз мумкин.

XIX аср охири – XX аср бошларида дипломатик ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғоз турлари бўйича қизиқарли маълумотларни Бухоро давлат университети тадқиқотчиси Ойбек Қиличевнинг мақоласида ўқишингиз мумкин.

«E-LINE PRESS» акционерлик жамиятининг ахборот ресурслари бўйича етакчи мутахассиси Фарҳод Кўчқоров илм-фан ва таълимни янада ривожлантириш учун миллий индексни яратиш зарурлиги ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Ташкил этилганига 85 йил тўлган Республика илмий педагогика кутубхонаси фаолияти ҳақида кутубхона директори Доно Ғаниеванинг мақоласида тўлақонли ахборот берилади.

Қадрли ўқувчи, юртимиз ва дунё кутубхоналарининг фаолияти, уларнинг тажрибалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишни истасангиз журналимизнинг ҳар бир сонини кузатиб боринг! Мақолаларга ўзингизнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз деган умиддамиз. Фикрларингиз, таклифларингиз бизнинг кейинги фаолиятимизда, албатта, ўз ифодасини топади. ■

КИТОБСЕВАРЛИКНИ МИЛЛАТНИНГ СИФАТЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ



Санжар Назаров,
«АКАДЕМНАШР»
нашриёти
директори

Журналимизнинг ушбу сондаги меҳмони ноширлик фаолиятини пухта ташкил этиш, халқимиз учун янгича руҳ ва мазмундаги адабий-бадiiй, ижтимоий-сиёсий адабиётларни сифатли нашр этишда катта ҳисса қўшиб келаётган етакчи ношир, «Академнашр» нашриёти директори Санжар Назаровдир. Суҳбатдошимиз билан бугунги кунда ноширларнинг энг оғриқли нуқталари, таржима адабиёти, китоблардаги хато ва камчиликлар, нашриёт ва муаллифлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда юртимизда ҳалигача халқаро китоб кўرғазмалари, форумлар ўтказилмай келаётганлиги ҳақида суҳбатлашдик.

Ношир ҳамда жамиятдаги ўзгаришларни ҳаққоний нигоҳ билан кузатувчи инсон сифатида айтингчи, бугунги кундаги китобхонлигимиз қай даражада?

— Шу савол ярим йил-бир йил олдин берилганида ёзгириш, дийдиёлар билан жавоб берган бўлардим. Бугун ундай қила олмайман. Ваҳоланки, даражамиз бир йил олдиндагига нисбатан ўзгариб қолгани йўқ. Бироқ одамларимизнинг китобга муносабатида ўзгариш пайдо бўлди. Шу охириги йилда кутубхона очишни мақсад қилган ўнлаб инсонлар билан учрашдим. Китоб савдосида ижобий ўзгаришлар кузатилди, нашрларнинг ададлари ортди. Китобхонлар фаоллашди, ижтимоий тармоқларда ўз гуруҳлари, каналларини очишди ва уларни мулоқотлар, мунозаралар майдонига айлантиришди. Ўзим учун бир қанча библиофил ёшларни кашф қилдим. Буларнинг ҳаммаси некбин кайфият уйғотмасдан қолмайди, албатта. Энди ҳамма гап мана шу кичик муждани катта бир ҳаракатга айлантириш, яъни китобсеварликни миллатнинг сифатларидан бирига айлантиришимиз лозим.

Сизнингча бугунги замон ўқувчилари қандай адабиётлар ортидан эргашмоқда? Уларни кўпроқ қандай асарлар қизиқтирмоқда?

— Ўқувчидан ўқувчининг фарқи бор. Улар ўзаро фарқли дидга эга ва турлича адабиётларга қизиқишади.

Мен омма дидига синчи бўлишни ҳеч эп-полмадим. Омма талашиб ўқийдиган асар-

ларни, айниқса, бадий адабиётни ҳеч нашр ҳам қилмадим. Аслида, нашриёт ўқувчининг дидига мослаб китоб чоп этишини, ўзим учун, тўғри дея олмайман. Аммо бошқалар бу йўлдан борганда, айбламайман ҳам. Ҳаммаси ноширнинг тутумига, позициясига боғлиқ. Ўқувчининг дидини тарбиялаш керак, унга хоҳлаганини эмас, зарурини бериш лозим, деб ҳисоблайман. Ҳамма гап ана шу «зарур»ни ажрати олишда — бу катта масъулият.

Масалан, «Академнашр» Назар Эшонкулнинг иккита қисмдан иборат «Мендан менгача», Раҳимжон Раҳматнинг «Адабиётдан чиқиш» китобларини нашр этди. Фаҳриддин Низомнинг «Метаҳикоялар оралаб» китоби нашр этилиш арафасида. Ўзига хос муқобил адабиётшунослик намуналари бўлган бу китоблар айнан «тўғри» китобхонни тарбиялашга хизмат қилиши керак. Булар ўқувчиларни зарур китобларни «ҳазм» қилишга тайёрлаш умидида нашр этилган, этилаётган китоблардир.

Фикримча, ҳар бир нашр китобхоннинг истагидан бироз баландда бўлгани маъқул. Шунда ўсиш бўлади. Мутолаани М.Пруст, Х.Л.Борхес ёки У.Фолкнер асарларидан бошлаган ўқувчи бўлмаса керак. Аммо ҳақиқий китобсевар бу муаллифларни «ҳазм» қила олиш даражасига етиши керак. Шундагина том маънодаги маърифат ҳосил бўлади ва бу, биз кутаётганимиздек, жамиятни ўзгартиради.

Ўзбек ноширларининг энг оғриқли нуқтасини деб ўйлайсиз?

— Саволингиз устида бироз мушоҳада қи-

Ҳар бир нашр китобхоннинг истагидан бироз баландда бўлгани маъқул. Шунда ўсиш бўлади. Мутолаани М.Пруст, Х.Л.Борхес ёки У.Фолкнер асарларидан бошлаган ўқувчи бўлмаса керак. Аммо ҳақиқий китобсевар бу муаллифларни «ҳазм» қила олиш даражасига етиши керак

либ ваҳимага тушади одам. Ҳамма томонимиз оғриқли нуқта экан. Яна бири биридан оғриқлироқ. Агар ажратиб кўрсатиш керак бўлса, энг аввалгиси соҳада ШАХСларнинг камлиги бўлса керак. Кўпчилик зиёлилар 5-10 та нашриётларни билишади, аммо улар нечта ноширни танишади? Ахир, ҳар бир нашриётнинг жавҳари, ядроси – бу ношир-ку. Бугун жавонларимизни ишғол этаётган қиёфасиз, характерсиз китобларнинг пайдо бўлиш сабаби шундамикан деб ўйлаб қоламан.

Олмон ёзувчиси, шоир, файласуф, мусавир Ҳерман Ҳессенинг «Китоб жодуси» асаарида бир хат ҳақида ёзган бутун бошли мақоласи бор. Библиофил Ҳессенинг квинтэссенцияси мана шу ерда намоён бўлади. Бу ноширликнинг лакмус қоғози ҳамдир. Яъни, китобни, дейлик, хат туригача ҳис қила олмасдан ноширлик қилаётганлар оддий тадбиркорлар, холос. Мен учун ҳақиқий ношир камида яхши бир шоир ёки ёзувчи ённки олимнинг иқтидорини ўзида яширган шахсдир. Афсуски, шунақа ноширларимиз кам. Китобни қўлига тутганда кўзлари чақнайдиғанлар кам. Китоби хунуқлиги, сифатсизлиги, ғиж-ғиж хатолиғидан уялмайдиғанлар кўп. Шулар асосий оғриқ нуқтамиз бўлса керак.

Мутахассисларнинг камлиги ҳам жуда катта муаммо. Нашриётлар кўп, яхши муҳаррирлар, мусахҳиҳлар санокли. Дизайнер-рассомларни-ку умуман гапирмасам ҳам бўлади. Бугун турли нашриётлар чоп этаётган яхши китобларнинг аксарияти бир-бирига ўхшаш, уларнинг чиқиш маълумотларида 1-2 та исмни такрор ва такрор кўрасиз.

Юқорида гаплашганимиз китобхонлик даражасининг қониқарсиз эканлиги, аҳолининг тўлов қобилияти пастлиги ҳам ноширларнинг оғриқли нуқталаридир.

Ҳозирги кунда чет эл ёзувчиларининг таржима асарларини бир вақтнинг ўзида 2-3 нашриёт босмоқда. Шу тўғрими? Умуман таржима асарларга сиз раҳбарлик қилаётган нашриёт ёндашиш услуби қандай?

– Нафақат таржима адабиёти, балки исталган асарнинг ҳам бир неча нашриётлар томонидан бир пайтда нашр этилишини нафақат тўғри, балки соҳанинг ривожини учун бу ҳолат зарур ҳамдир. Бу бутун дунёда кузатиладиган амалиёт. Фақат бир шарт бор: ўз услуби, дастхатига эга нашриётлар шаклланган бўлиши керак. Модомики, ҳатто идеал ҳолатда ҳам, таржима аслиятдаги матннинг сояси гина экан, келинг бу соянинг турли бурчаклар остидаги вариантларини ўқувчига тақдим қиламиз. Бу китобхонни аслиятга янада яқин-

лаштирмайдими?! Ўзбек тилига турли таржимонлар томонидан ўгирилган бирон асарнинг ҳар хил вариантларини ўқиб, таққослаб кўргач, ҳамфикримга айланишингизга ишонаман.

Агар сиз бундан 30-40 йил олдин таржима қилинган асарларнинг нашрини, яъни айнан бир таржимани турли нашриётлар томонидан чоп этилаётганини назарда тутаётган бўлсангиз ҳам, бу салбий ҳолат деб баҳоланмаслиги керак. Узоққа бормайлик, Тошкентдаги собиқ ЦУМнинг орқа томонида қатор тизилган, асосан, рус тилидаги китоблар сотиладиган расаларга бориб, дейлик, «Ҳарри Поттер»ни сўраб кўринг: «Махаон»ники керакми ёки «Росмэн»ники ҳам бўлаверадими?» деган савол билан қарши олишади сизни. Камида 5 та нашриётнинг маҳсулотини таклиф қилишади. Ва бу табиий. Ва бу жуда зўр!

«Академнашр»да таржима асарларга бир нечта талаблар қўйилади. Биринчиси, асар аслиятдан таржима қилинган бўлиши шарт. Ҳар қанча равон, мукамал матн бўлмасин, учинчи, воситачи тилдан қилинган таржималарни чоп этмасликка аҳд қилганмиз. Иккинчиси, асар учун муаллифлик ҳуқуқи олинган бўлиши керак. Бу борада нашриёт таржимон билан ҳамкорликда ҳаракат қилади. Учинчиси, таржима зарур асарлардан бири бўлиши керак. Асарнинг миллионлаб нусхада сотилганлиги ёки қандайдир юксак мукофотларга лойиқ топилганлиги аҳамиятсиз. У қайси қадриятларни илгари суряпти, қандай тушунчаларнинг шаклланишига хизмат қилади, эстетик қиймати қанчалик, ахлоқий тамойилларининг чегараси қандай каби саволлар биз учун муҳим. «Академнашр»нинг таржима асарларини танлаш ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун айтишим мумкин, шу кунларда «Хитопадеша» дунё юзини кўрди, Х.Л.Борхеснинг ҳикоялар тўпламини, А.Платоновнинг «Жон» қиссасини чоп этиш арафасидамиз.

Китоб хатосиз чиқмайди, дейишади... Сизнингча-чи?

– Менимча, китоб хатосиз чиқиши шарт. Хатосиз чиқадиған китоблар ҳам учраб туради-ку.

Бундан 5-6 йил бурун ўзбек тилидаги матнларнинг имло хатоларини тузатадиған «Юрида орфо» компьютер дастури муаллифларидан бири, кўпчилик яхши танийдиған куюнчак зиёлимиз Анвар ака Шукуров биз билан алоқага чиқдилар. Дастур ҳақида гапирдилар. Дастурнинг имкониятлари билан танишиш учун бир-иккита босмаҳонага тури-

Китобни, дейлик, хат туригача ҳис қила олмасдан ноширлик қилаётганлар оддий тадбиркорлар, холос. Мен учун ҳақиқий ношир камида яхши бир шоир ёки ёзувчи ённки олимнинг иқтидорини ўзида яширган шахсдир. Афсуски, шунақа ноширларимиз кам

Таржима адабиёти, балки исталган асарнинг ҳам бир неча нашриётлар томонидан бир пайтда нашр этилишини нафақат тўғри, балки соҳанинг ривожини учун бу ҳолат зарур ҳамдир. Бу бутун дунёда кузатиладиган амалиёт. Фақат бир шарт бор: ўз услуби, дастхатига эга нашриётлар шаклланган бўлиши керак

Камчиликларимизни илғаб олиш, илғор анъаналар, соҳанинг янгиликларидан хабардор бўлишнинг яхши, кўпчилигимиз учун ягона усули халқаро китоб кўرғазмаларидир. Бугун бундай кўрғазма ташкиллаштираш мамлакатимиздаги ноширлик савиясидан уялиб қолишимиз аниқ. Аммо жаҳон билан бўйлашмасак мана шу уятли аҳволда қолиб кетаверамиз

ришга тайёрлаб кўйилган китобларнинг электрон нусхаларини олиб келишни ва текшириб кўришни таклиф қилишди. Айтишларича, катта-катта нашриётлар дастур ёрдамида текширгач кўпнинг ададда чиқаётган китобларини яроқсиз деб чиқитга чиқариб, қайтадан чоп қилишибди. Иккита китобимизни текширдик. Битта ҳам хато чиқмади. Анвар ака хайратларини яшириб ўтирмадилар. Кўп яхши гаплар айтдилар. Дастурни ҳамкорлик шarti билан текинга ўрнатиб беришди. Нашриётга қайтгач мен ҳам ходимларнинг олдига кириб бирма-бир кўллларини сиқиб раҳмат айтиб чиқдим. Шу катта хато бўлган экан, кейинчалик китобларимизда хато кўпайиб қолди. Ҳозиргача учрайди. Аммо биз бунга ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Китоб биронта ҳам хатосиз чиқиши шарт!

Ношир сифатида электрон китобларга муносабатингиз?

– Ижобий муносабатдаман. Электрон усунуна ҳам қоғоз каби бир восита, холос. Қолаверса, ҳозир бу баҳс эскирди. Ривожланган мамлакатларда қоғоз китоблар ўз мавқеини сақлаб қола билди. Шахсан ўзимда электрон китоб қурилмаси бор. Уни харид қилганимда ярим миллион номга яқин китоблар сақланган электрон кутубхона ҳам совға қилишган. Бирикки ойлик тушликдан воз кечиб Бертельснинг «Сўфийлик ва сўфий адабиёти», «Навий ва Жомий» асарларидан ксеро нусха олиб кўлбола китоб ясаган авлод вакили сифатида, мен учун бу фантастиканинг ўзи.

Ўзбекистонда китоблари электрон бичимда сотувга кўйилган илк нашриёт балки «Академнашр» бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда маърифатпарвар дўстимиз Давронбек Тожиалиевнинг kitobim.uz дастури учун ўз китобларини тақдим этган илк нашриёт биз эканлигимиз маълум. Бунгача эса бизда электрон китоблар савдоси билан кимдир шуғулланганидан бехабарман. Шу йилнинг охиригача

«Академнашр»нинг барча китоблари электрон бичимларда ҳам мавжуд бўлиши ва савдога чиқишини режалаштирганмиз. Айримлари текинга ўқувчиларга тақдим этилади. Электрон китоблар учун ўз дастуримизни яратиш устида иш олиб бориляпти. Ҳозирда «kitobim.uz»дан электрон бичимда харид қилиш мумкин.

Яқин орада Ўзбекистонда бирор марта ҳам Халқаро китоб кўрғазмалари, форумлар ўтказилмади. Бу нашриётларимизнинг ўз қобигига ўралиб ишлаши, суствлашига таъсир ўтказмай қолмади. Кўпгина нашриётлар издан чиқди. Айтинчи, жаҳон ноширлиги билан танишиш учун қандай ишларни амалга оширишимиз керак деб биласиз?

– Тўғри таъкидлаяпсиз, халқаро китоб кўрғазмаларига катта эҳтиёжимиз бор. Русларнинг машхур иборасида айтилганидек, бу – «ўзингни кўрсатиш ва ўзгаларни кузатиш» учун яхши бир имконият. Камчиликларимизни илғаб олиш, илғор анъаналар, соҳанинг янгиликларидан хабардор бўлиш яхши, кўпчилигимиз учун ягона усули халқаро китоб кўрғазмаларидир. Бугун бундай кўрғазма ташкиллаштираш мамлакатимиздаги ноширлик савиясидан уялиб қолишимиз аниқ бўлганлиги балки бу ишларга тўсиқ бўлаётгандир. Аммо, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, жаҳон билан бўйлашмасак мана шу уятли аҳволда қолиб кетаверамиз. Аксарият ноширларимиз учун жаҳоннинг энг нуфузли китоб кўрғазмаларида қатнашиш молиявий томондан оғирлик қилади. Балки «йил нашриёти»га ўхшаш танловлар ташкиллаштириб, хомийларни жалб этиб, ғолибларга катта кўрғазмаларда иштирок этиш имкониятини мукофот тариқасида тақдим этиш керакдир. Китобларимизнинг савияси кўтарилишига бу ҳам бир рағбат бўлармиди?!

Бизда ёзувчилар ва ноширлар ҳамкорлиги кўп ҳам йўлга кўйилмаган. Чет элларда ёзувчилар ҳеч қандай ёзувчилар уюшмаларидан эмас, асосан, ноширлар билан ишлайди, улар билан ҳамкорлик қилиш орқали даромад топади. Бизда бу тажриба қандай? Қалам ҳақиқа бўлган муносабат ҳақида?

– Таассуфлар бўлсинки, бизда ундай эмас. Ва бунинг учун ноширларни айблаш ҳам қийин. Шу мавзу кўтарилганда биз кўпинча унутиб қўямиз, аслида қалам ҳақини муаллифга ношир тўламайди, харидор, китобхон тўлайди. Дейлик, ношир бирон муаллифнинг 320 бетлик китоби учун 100 млн. сўм қалам ҳақи тўласа ва бу китобни шу кунлардаги энг



катта адад ҳисобланмиш 5000 нусхада чоп этса, китобнинг нархи 20 000 сўмга қимматлашади. 20 000 сўм шу ҳажмдаги китобларнинг бугунги кундаги бозор нархидан ҳам қимматроқ. Бошқа томондан қаралса, шундай ҳажмдаги яхши бир асарни ёзиш учун ёзувчи қора қозонини сувга ташлаб камида бир-икки йил меҳнат қилиши керак бўлади. Аслида, муаллиф асарни яратиш жараёнида ёт ўй-хаёлларга чалғимаслиги учун юз млн. сўм ҳам камлик қилади. Ҳаммаси бугунги кун харидорининг харид қувватига, мамлакатнинг иқтисодий аҳволига бориб тақалаяпти. Аслида халқ бой, китоб қимматли, ижод ва илм қадрли бўлиши лозим. Сўнгги пайтларда бу борада ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Вазият ўнгланишини кутишдан бошқа иложимиз йўқ, афсуски.

«Академнашр»дан қалам ҳақи туфайли норози бўлган ижодкорлар бўлганми?

– Битта муаллифимиз бизни қўшимча, ўғринча нусхалар чиқаришда айблагани эсимда – бу юртимизда жуда кенг тарқалган ҳолат. Шукурки, унақа эмаслигини исботлаб бера олганмиз. Ўша пайтларда «Академнашр»нинг ўз босмаҳонаси бўлмаганлиги «қўл» келган. Ҳамкорликни ўша заҳотиёқ тўхтатганман. Энг қизиғи, ўша муаллиф ҳозир ўзи ноширлик билан шуғулланар экан.

Қалам ҳақидан норози бўлганларни эсломадим. Бизда қалам ҳақи миқдорининг кам эканлиги боис, муаллифлар арзимас нарса устида талашиб-тортишишни эп кўрмасликларидан деб биламан буни.

Ҳозирги кунда солиқ тизимининг ислоҳ этилгани кўп бора таъкидланмоқда. Бу ислохатларнинг ноширларга ижобий таъсири борми? Бизда қайсидир мавзудаги яхши китоблар учун солиқ имтиёзлари жорий этилса, яхши бўлмасмиди? Ноширлар яна қандай умидлар қилмоқда?

– Янги солиқ Кодексига кўра биз имтиёз эгасимиз, яъни ҚҚС дан озод қилинганмиз. Аммо тўлиқ эмас. Босма маҳсулотларнинг асосий хомашёси бўлган қоғоз учун, бўёқ, қолп ва елимлар учун ҚҚС тўланади. Китоб нашри учун кўрсатиладиган матбаа хизматлари билан боғлиқ вазият эса умуман чалкаш. Тушунишимча, адашаётган бўлишим ҳам мумкин, китобни тўлиқ ўз кучи билан ва ўз хомашёларидан фойдаланган ҳолда чоп этган матбаа корхонаси аниқ ҚҚС дан озод этилган. Аммо буюртмачининг қоғозида ёки китобнинг муайян бир қисмини, масалан, муқовасини чоп этиб берган босмаҳона бу хизматларидан ҚҚС тўлайди.

Янги Кодекс туфайли нашриётнинг солиқ юки анча камайди. Чунки биз кам фойда қолдиган соҳа ҳисобланамиз ва фойдадан солиқ тўлаш биз учун афзалроқ. Ходимларнинг маоши ҳам фақат даромад солиқлари, давлат жамғармаларига ажратмаларнинг камайиши ҳисобига 10% ча ошди. Солиқдан тежаб қолинган маблағларни янги китобларнинг нашрига йўналтираяпмиз. Шунинг ҳисобига бир нечта қизиқарли янги рукнлар пайдо бўлди.

Аслида имтиёзлар иқтисодий рағбатлантиришнинг энг зарарли воситаси деб ўйламан. Китоб нашри ва савдоси соҳасини қўллаб-қувватлаш эса – зарурат. Бу борадаги хориж тажрибаларини ўрганиб ҳайратга тушганман. Давлат китоб учун сарфлаган пуллари келажакда юксак савияли мутахассислар, маърифатли жамият шаклида жуда катта фойдалар кўради. Китобга пул сарфлаш АЭСга пул сарфлагандан кўра ҳам фойдалироқдир.

Ноширлик соҳасига эндигина қадам қўйган ёшларга нимага яқинроқ, нимадан эса аксинча, узоқроқ юриш муҳим?

– Маслаҳат берадиган мақомда эмаслигимни аниқ биламан. Ўрнига ўзим учун муҳим деб билганларимни айта қолай. Мўмин киши, ўзи қилаётган ишни, кўлидан келганча энг чиройли ҳолатга етказишга амр этилган. Буни унутмаслик ва бундан камига рози бўлмаслик шарт. Ҳақни зое қилма! Яъни ҳамкорлар, ходимлар, муаллифлар, китобхонлар ва бошқа ҳамма-ҳамма модди-ю номоддий ҳақ эгаларига хиёнат қилмаслик керак.

«Академнашр» зиёлилар орасида машхур бўлиб, ишончини оқлашига асосий сабаб нима деб кўрсатган бўлардингиз?

– Бирон сабаб кўрсата олмайман. Фақат таъкидлашим мумкинки, биз шуҳрат қозонишни ҳеч қачон мақсад қилмаганмиз. Зиёлиларнинг ишончини оқлашда эса маррага етиш имконсизлигини биламан. Чунки ишонч доимий равишда муносиб бўлишни талаб қилади. Аллоҳ муяссар қилсин, ростданам ишончлилардан бўлайлик. Бу жуда юксак баҳо.

Аслида, нашриёт ўз ҳолича бирон-бир қиёфага эга эмас. Муаллифларни танлар экан, улардан шакл ва ранг олиб нашриёт ҳам қиёфа касб этади. Агар «Академнашр»да бирон ижобий фазилат мавжуд бўлса, билинги, бу бизнинг муаллифларимиз, ҳамкорларимиз сабабидандир.

Қимматли вақтингизни бизга ажратганингиз учун раҳмат!

Суҳбатни Даврон Мансуров тайёрлади. ■

Аслида, муаллиф асарни яратиш жараёнида ёт ўй-хаёлларга чалғимаслиги учун юз млн. сўм ҳам камлик қилади. Ҳаммаси бугунги кун харидорининг харид қувватига, мамлакатнинг иқтисодий аҳволига бориб тақалаяпти. Аслида халқ бой, китоб қимматли, ижод ва илм қадрли бўлиши лозим

Китоб нашри ва савдоси соҳасини қўллаб-қувватлаш эса – зарурат. Бу борадаги хориж тажрибаларини ўрганиб ҳайратга тушганман. Давлат китоб учун сарфлаган пуллари келажакда юксак савияли мутахассислар, маърифатли жамият шаклида жуда катта фойдалар кўради. Китобга пул сарфлаш АЭСга пул сарфлагандан кўра ҳам фойдалироқдир.

НОВОСТИ ИНФОРМАЦИОННО- БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В МИРЕ



В рамках программы World Book Capital, осуществляемой ЮНЕСКО, ряд городов мира по очереди взяли на себя обязательство оказывать поддержку книгам и чтению

«Для библиотек, для ИФЛА, справедливый, значимый доступ к информации, включая способность находить, читать, понимать, применять и создавать, является необходимым условием для устойчивого развития»

ШАРДЖА (ОБЪЕДИНЕННЫЕ АРАБСКИЕ ЭМИРАТЫ) СТАНОВИТСЯ МИРОВОЙ КНИЖНОЙ СТОЛИЦЕЙ

Титул Мировой Книжной Столицы перешел из Афин (Греция) в Шарджу (Объединенные Арабские Эмираты). Президент ИФЛА Глория Перес-Сальмерон и Генеральный секретарь Джеральд Лейтнер представляют библиотеки на церемонии передачи.

В рамках программы World Book Capital, осуществляемой ЮНЕСКО, ряд городов мира по очереди взяли на себя обязательство оказывать поддержку книгам и чтению. ИФЛА, являясь членом Консультативного комитета, наряду с Международной ассоциацией издателей и ЮНЕСКО, играет ключевую роль в отборе реципиентов и разработке программы. Обладателем титула 2019 года с 23 апреля 2019 года по 22 апреля 2020 года является Шарджа.

Город уже сделал значительные обязательства по содействию чтению, благодаря поддержке библиотек, книг в каждом доме и



местной издательской индустрии. Он также признал важность свободы публикации, если читатели должны пользоваться полным спектром книг и других материалов.

Мероприятия в следующем году активизируют эту работу и ИФЛА ожидает, что Шарджа предложит множество положительных историй и примеров другим людям в регионе и во всем мире.

Выступая на мероприятии, предшествующем запуску, Генеральный секретарь ИФЛА Джеральд Лейтнер сказал:

«Для библиотек, для ИФЛА, справедливый, значимый доступ к информации, включая способность находить, читать, понимать, применять и создавать, является необходимым условием для устойчивого развития. Я убежден, что Шарджа, в свое время, как Мировая Книжная Столица, и в будущем послужит примером для других в этом отношении в регионе, в мире».

В четверг 25 апреля президент ИФЛА Глория Перес-Салмерон открыла конференцию «ИФЛА-AFLI», которая также прошла в Шардже. Генеральный секретарь ИФЛА Джеральд Лейтнер выступил с речью.

БИБЛИОТЕЧНЫЙ МАНИФЕСТ ДЛЯ ЕВРОПЫ

Решения, принятые в Брюсселе и Страсбурге, оказывают значительное влияние на библиотеки. Чтобы подготовиться к предстоящему мандату Европейского парламента, ИФЛА и партнеры разработали «Манифест библиотеки для Европы».

Политика на европейском уровне может оказать существенное влияние на библиотеки. От законов об авторском праве или ввозе культурных ценностей до программ финансирования и даже исследований – успешная пропаганда в Брюсселе и Страсбурге может

предложить реальную помощь библиотекам по всему региону.

Выборы в Европейский парламент, которые должны состояться 23-26 мая, могут изменить лицо самого парламента. Избранные люди в течение следующих пяти лет будут ключевыми собеседниками для библиотек. Результаты также будут определять руководство Европейской комиссией и председательство в Европейском совете.

Поэтому важным моментом является определение приоритетов для библиотек и их пользователей и поиск гарантий поддержки.

Поэтому ИФЛА, работая с партнерами в LIBER, EBLIDA, SPARC Europe и Public Libraries 2030, разработала «Манифест библиотеки для Европы», в котором изложены шесть ключевых вопросов. Они охватывают работу библиотек по поддержке образования и навыков, исследований и инноваций, а также культуры и наследия. Они также включают в себя необходимость для Европы играть активную роль в поддержке библиотек во всем мире, как посредством своих программ развития, так и позиций по таким вопросам, как авторское право.

Опираясь на Манифест, ИФЛА также работает напрямую на европейском уровне, а также через своих членов на национальном уровне, чтобы получить обязательства от партий и кандидатов о том, как они будут поддерживать библиотеки в случае успеха.

ИФЛА будет публиковать ответы, полученные на специальном веб-сайте, в качестве ресурса, который поможет любому избирателю, который заботится о библиотеках, понять, что может означать их решение в конце мая.

Мы призываем всех в Европейском Союзе и за его пределами, заинтересованных в поддержке библиотек и их миссий, прочитать манифест и использовать его в своей собственной работе по защите интересов.

ПРИНЯТИЕ ЕВРОПЕЙСКОЙ ДИРЕКТИВЫ ОБ АВТОРСКОМ ПРАВЕ НА ЕДИНОМ ЦИФРОВОМ РЫНКЕ

После принятия Европейским парламентом «Директивы об авторском праве на едином цифровом рынке» 26 марта 2019 года Совет министров Европейского союза также проголосовал за этот текст.

Текст вступит в силу в ближайшие недели, как только он будет опубликован в Официальном журнале. За этим последует двухлет-

ний период, в течение которого государства-члены должны внести соответствующие изменения в национальное законодательство.

Европейские библиотеки активно участвуют в формировании этого важного законодательного акта, с тем чтобы он выполнил свое обещание гармонизировать европейский закон об авторском праве и обновить его до цифровой среды. Мы извлекали пользу из постоянной поддержки ряда членов Европейского парламента, работа которых позволила добиться значительного прогресса. Несмотря на значительный прогресс, достигнутый в области библиотек, культурного наследия, научных исследований и образования, основные недостатки остаются. Статьи 15 (11 до перенумерации) и 17 (13 до перенумерации) ставят важные проблемы в отношении свободы выражения мнений и свободы доступа к информации.

Тем не менее, дискуссии далеки от завершения. Работа на национальном уровне будет существенной, если европейские библиотеки хотят извлечь максимальную пользу из этого законодательного текста. ИФЛА, работая вместе с партнерскими библиотечными и исследовательскими организациями, надеется помочь нашим членам в решении этой задачи. Нашим первым шагом будет составление дискуссионного списка для тех, кто вовлечен в лоббирование реализации данной Директивы на национальном уровне, о котором мы будем сообщать отдельно.

БИБЛИОТЕКИ И КУЛЬТУРНОЕ РАЗНООБРАЗИЕ: СОХРАНЕНИЕ НАСЛЕДИЯ, СОДЕЙСТВИЕ ДИАЛОГУ

ИФЛА представила в Управление Верховного комиссара по правам человека комментарии по вопросу о культурном разнообразии и правах человека. Ответственные за сохранение наследия всех наших сообществ, за облегчение доступа к информации и за защиту свободы слова, библиотеки могут внести большой вклад.

В соответствии с международным правом, каждый человек имеет право на свободу выражения мнений и на участие в культурной жизни своего сообщества. Тем не менее, сохраняются угрозы культурному разнообразию.

В резолюции, принятой на Генеральной Ассамблее Организации Объединенных Наций в 2017 году, государства-члены согласи-

ИФЛА представила в Управление Верховного комиссара по правам человека комментарии по вопросу о культурном разнообразии и правах человека. Ответственные за сохранение наследия всех наших сообществ, за облегчение доступа к информации и за защиту свободы слова, библиотеки могут внести большой вклад

В соответствии с международным правом, каждый человек имеет право на свободу выражения мнений и на участие в культурной жизни своего сообщества. Тем не менее, сохраняются угрозы культурному разнообразию

18 апреля 2019 года в Национальной библиотеке Узбекистана состоялась церемония открытия Национальной общеобразовательной электронной библиотеки

«Основная цель проекта – расширить использование электронных информационных ресурсов в обществе, а также подключить информационные и библиотечные средства к единой электронной библиотечной системе, улучшая интеллектуальный потенциал и знания населения

лись с важностью поддержки культурного разнообразия, призвав правительства и гражданское общество действовать одинаково. Они также просили Верховного комиссара по правам человека представить доклад о достигнутом прогрессе.

В рамках консультации, предназначенной для формирования этого отчета, ИФЛА представила комментарии. Они освещают работу Центров и секций ИФЛА по сохранению и консервации (в частности, Секцию библиотек, обслуживающих многокультурное население и Группу по интересам «Религия: библиотеки и диалог»), а также более широкие усилия по содействию свободе слова и предоставлению возможности всем членам общества выполнять свой потенциал.

ЦЕРЕМОНИЯ ОТКРЫТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ЭЛЕКТРОННОЙ БИБЛИОТЕКИ

18 апреля 2019 года в Национальной библиотеке Узбекистана состоялась церемония открытия Национальной общеобразовательной электронной библиотеки. В мероприятии участвовали представители компании LG CNS, экспорт-импорт банка, посольства Южной Кореи в Узбекистане, заместитель министра по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан Б.Олматов, Начальник управления информационной политики Агентства информации и средств массовой коммуникации при администрации Президента Республики Узбекистан Д.Саиджонов, специалисты Национальной библиотеки Узбекистана и представители СМИ.

Проект «Национальная общеобразова-

тельная электронная библиотека» осуществлён в исполнении задач, указанных в постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 декабря 2013 года №ПП-2088 «О первоочередных мерах по реализации проекта «Национальная общеобразовательная электронная библиотека» при финансовом сотрудничестве с Фондом экономического развития и сотрудничества Республики Корея», в целях выполнения постановления Президента Республики Узбекистан от 17 ноября 2014 года №ПП-22 «Об инвестиционной Программе Республики Узбекистан на 2015 год» и согласно договору, подписанному Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан и компании LG CNS Южной Кореи. Проект реализован совместно с Фондом экономического развития и сотрудничества Республики Корея.

«Основная цель проекта – расширить использование электронных информационных ресурсов в обществе, а также подключить информационные и библиотечные средства к единой электронной библиотечной системе, улучшая интеллектуальный потенциал и знания населения. Национальная общеобразовательная электронная библиотека состоит из центра по оцифровке материалов, мультимедийного центра, интегрированной системы электронной библиотеки.


После церемонии открытия, участники ознакомились с возможностями Национальной общеобразовательной электронной библиотеки, созданной с целью современного, качественного и быстрого обслуживания пользователей - мультимедийными залами, аудио и видео студией, специальными средствами для людей с ограниченными возможностями, центром оцифровки, аудио и видео студиями, оснащенным современным оборудованием.

По окончании мероприятия были вручены сертификаты 20 информационно-библиотечным учреждениям. Также было отмечено, что данные учреждения будут оснащены сканерными оборудованием.

БИБЛИОТЕЧНАЯ АССАМБЛЕЯ ЕВРАЗИИ

17 мая 2019 г. в Бишкеке в дни международной конференции «Книга и чтение в цифровую эпоху» и торжественных мероприятий, приуроченных к 85-летию Национальной библиотеки Кыргызской Республики им. А. Осмо-





нова, состоялось XXII Общее собрание членов Библиотечной Ассамблеи Евразии. Участниками встречи стали руководители и ведущие специалисты крупнейших библиотек стран СНГ: Азербайджана, Беларуси, Казахстана, Кыргызстана, Молдовы, России, Таджикистана и Узбекистана.

Заседание этого года было посвящено вопросу распространения в СНГ практики обязательного экземпляра печатного издания в электронной форме, продвижения и популяризации библиотек через развитие социокультурной деятельности, повышения квалификации и переподготовка кадров, а также инициативам библиотек в рамках Года 75-летия Победы в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг., объявленного в СНГ в 2020 г. В ходе дискуссий и обсуждений участниками были обозначены интересные идеи по сотрудничеству в этих направлениях. Каждая из библиотек БАЕ подтвердила свою готовность внести вклад в их реализации. В результате обсуждений были приняты следующие решения:

1. Начать подготовку модельной рекомендации от БАЕ по установлению единых подходов по вопросу обязательного экземпляра печатного издания в электронной форме в странах СНГ с последующим согласованием с Межпарламентской ассамблеей СНГ.

2. Активизировать сотрудничество в области повышения квалификации специалистов библиотек Содружества, информировать друг друга о возможностях в образовательной сфере каждого члена БАЕ.

3. Создать совместный электронный ресурс документов (газеты, плакаты, фото, журналы), отражающий участие народов СССР в Великой Отечественной войне.



В БУКИНСКОМ РАЙОНЕ СОЗДАНА ПЛАТФОРМА ДЛЯ РЕАЛИЗАЦИИ ПЯТИ ИНИЦИАТИВ

В рамках Пяти инициатив Президент в Букинском районном центре создан Экопарк культуры и просветительства. Глава государства посетил парк и ознакомился с созданными здесь условиями.

Охвативший Пять инициатив комплекс включает в себя библиотеку, тихие уголки для чтения книг, специальные арены для киберспорта и компьютерных игр, Wi-Fi зоны. Построены крытый амфитеатр и кафе. В универсальной спортивной зоне можно заниматься воркаутом и физкультурой, играть в бадминтон, настольный теннис и другие виды спорта. Комплекс способен принимать в среднем 6 тысяч молодых людей каждый месяц.

Шавкат Мирзиёев побывал в библиотеке парка.

- Доставка книг в регионы - хорошо, однако недостаточен уровень пропаганды чтения. Необходимо приобщать наших детей к чтению с детсадовского возраста, начальных классов, воспитывать в них любовь к книге. Только тогда в нашем обществе утвердится читательская культура, люди вернуться к книге, – сказал глава государства.

Указано на необходимость разработки совместно с Национальной библиотекой Узбекистана научно обоснованной методики пропаганды чтения, а также рекомендаций о наиболее предпочтительных книгах для разных возрастов. Даны поручения по организации в парке культурных мероприятий и соревнований между махаллями, содержательных летних каникул молодежи. ■

17 мая 2019 г. в Бишкеке в дни международной конференции «Книга и чтение в цифровую эпоху» и торжественных мероприятий, приуроченных к 85-летию Национальной библиотеки Кыргызской Республики им. А. Осмонова, состоялось XXII Общее собрание членов Библиотечной Ассамблеи Евразии

«CENTRAL ASIA – 2019. ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА БИЗНЕСДА ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИ» XIII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ



Жорий йилнинг 24-26 апрель кунлари Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида «Central Asia – 2019: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» XIII халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзархив» агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети - конференциянинг асосий ташкилотчилари саналади. Конференция ишида ташкилотчилар билан бир қаторда вазирлик ва идоралар вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

«Конференция ташкил этилган илк даврларда 7-8 нафар хорижий мутахассислар иштирок этган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 25-30 нафарга етди. Конференциянинг ҳар йили турли вилоятларда ўтказилиши ўша вилоят ахборот-кутубхона соҳасининг жонланишига ва янада ривожланишига олиб келади. Бу йилги конференцияда Покистон, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Россия Федерацияси, Латвия, Белоруссия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон каби ўндан ортиқ хорижий давлатдан 26 нафар экспертлар, шунингдек, соҳада фаолият юритаётган 400 дан зиёд мутахассислар иштирок этди. Конференция доирасида 4 та шўъба, 1 та маҳорат дарси ва 3 та семинар-тренинг машғулотларида мутахассислар соҳа фаолиятини тартибга солувчи янги меъёрий ҳужжатлар, янгиликлар, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг инновацион усулларига доир миллий ва

хорижий тажриба билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Конференция ишида Беларусь Миллий кутубхонаси директори Роман Мотульский ва АҚШ кутубхона фонди ижрочи директори Меррис Сумралл каби хорижий меҳмонлар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

«ЖАМИЯТНИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИДА АХБОРОТ-КУТУБХОНА ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РОЛИ»

1-шўъба йиғилишида Назарбоев университети кутубхонасида Кутубхоналараро абомент ва ҳужжатларни етказиб бериш хизматининг ҳозирги ҳолати, Қозоғистон маданий ва илмий меросининг электрон ресурслари, кутубхоналарни Россия даврий нашрларининг электрон шакллари билан комплекшлаш, Туркменистонда кутубхона ва кутубхоначилик иши мустақиллик йилларидаги фаолияти, Тошкентдаги Гёте институти янги кутубхонасининг кўпфункционал имкониятлари, Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази фаолиятида инновацион ғоя ва технологияларнинг жорий этилиши, республикамизда узлуксиз – кутубхоначилик – библиографик таълимнинг долзарб масалалари, бадиий адабиёт орқали ёшлар тарбиясига таъсир ўтказиш воситалари, янги давр кутубхоналари, республикамиз Президенти томонидан илгари сурилган беш устувор йўналишлар ва беш ташаббусда ёшлар орасида мутолаа маданиятини тарғиб этишга қаратилган эътибор, Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази тажрибаси мисолида ўлкашунослик фаолиятининг замонавий шароитлари, Ўзбекистонда инновацион жамиятнинг шакллантириш жараёнида виртуал ярмаркаларни татбиқ этиш ва маълумотларнинг ахборот базасини яратиш каби масалалар муҳокама қилинди.



Меррис Сумралл,
АҚШ, Орегон Штати,
Кутубхона фонди ижрочи директори



Умида Тешабоева,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси директори



Роман Мотульский,
Беларусь Миллий кутубхонаси директори

**«КУТУБХОНА ХИЗМАТЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА
ЕТАКЧИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА РЕСУРСЛАРИ»**

2-шўба йиғилишида сўзга чиққан маърузачилар WEB - компьютер тизим моделлари асосида виртуал кутубхоналарнинг электрон ресурсларини шакллантириш, Ўзбекистонда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари, Ахборот-кутубхона муассасаларининг хизматларини ташкил этишда мобил иловалардан фойдаланиш ва унинг истиқболлари, ProQuest: ижтимоий ва гуманитар фанларга оид илмий ресурслар базасидан фойдаланиш, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси каталогизатор мутахассисининг интеллектуал меҳнати, «TURON» ахборот-кутубхона марказида реал воқелик билан тўлдирилган 3D китоблар, интеграллаштирилган ахборот-кутубхона тизимларининг ривожланиш тенденцияси таҳлили ва интеграция қилиш самарадорлигини ҳисоблашда MRD кўрсаткичи, ахборот-кутубхона тизимлари учун авторитет файллар базасини яратиш долзарблиги каби мавзуларда маърузалар қилдилар.


**«ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ЖАМИЯТИДА
МУТОЛАА МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ»**

3-шўба йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий Ёдгорлик мажмуаси кутубхонаси фаолияти, АҚШ жамиятида кутубхоналарнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, уларда кўнгилли ходимлар тажрибаси, ёш авлодда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда ижтимоий тармоқларнинг ўрни ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, иштирокчилар кутубхоналарда реклама материаллари технологиясини ишлаб


чиқиш, мутолаа орқали болаларга дунёни ва ўзини англаштириш, бўлажак журналистларга медиа ва замонавий технологиялар ёрдамида таълим бериш, академик билим ва олий таълим интеграциясини таъминлашда нодир қўлғамаларнинг ўрни, сўровнома асосида аниқланган инсон ҳаётида китоб мутолааси ва китобхонликнинг ўрни, болалар китобхонлигига оид муаммоларни бартараф этиш йўллари ва умуман ёшлар тарбиясида ахборот-кутубхоналарнинг роли ва аҳамияти ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

**ЭЛЕКТРОН АРХИВЛАР, МУЗЕЙЛАР ВА
НОДИР КУТУБХОНА ФОНДЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИ**

4-шўба йиғилишида мутахассислар Қозғистон Миллий кутубхонасида сақланиб келинаётган турк тўплами, Хоразм Маъмур академиясида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар, тарихий архив ҳужжатларини ўрганишда XIX аср охирида Тошкент суди ёзувларининг ўзига хослиги, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази, Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи фаолияти, XX аср бошида Хоразмда кўчирилган Эшон Шоҳ Машраб қўлғамаси, Бухоро давлат музей-кўрикхонаси тарихи, Мар-



Лязза Муқяшева,
Clarivate Analytics, Олма-Ота, Қозғистон,
Марказий Осиё минтақасидаги расмий вакили



Александр Липенский,
«МЕТЭК» АЖ /ProQuest, Москва, РФ
Электрон ресурслар бўлими директори



казий давлат архивидаги тарихий ҳужжатларни рақамлаштириш масалалари, Дипломатик ёзишмаларда фойдаланилган штемпелли қоғозлар, архившунос кадрларни тайёрлаш масалаларини ёритишда хориж тажрибаси, Ислом цивилизацияси марказида кутубхона тизимини яратиш ва мавжуд манбалардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш ҳақидаги маърузаларни тингладилар ва ҳудудларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тажриба алмашдилар.

«ХОРИЖИЙ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ ВА ТИЗИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ АСОСЛАРИ» БЎЙИЧА МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Мазкур маҳорат дарсларида бугунги кунда етакчи хорижий ахборот ресурслари базаларининг мутахассислари томонидан тақдимотлар ўтказилди. Унда «ProQuest Dissertations & Theses маълумот базасидан илмий-тадқиқот фаолияти ва таълимда фойдаланиш», «Илмий тадқиқот олиб боришда Springerlink платформасидан фойдаланиш», «East-View маълумотлар базасидан тадқиқот ва ўқув ишларини олиб бориш мақсадида фойдаланиш», «Илмий тадқиқотлар учун Emerald Publishing электрон ресурслари», «EBSCO Information Services тўлиқ матнли маълумотлар базалари ва электрон китоблар билан ишлаш» ва «E-line Press» лойиҳалари Ўзбекистон олимларининг илмий-тадқиқот ишларида ёрдам бериш» ва «Clarivate Analytics: илмий-таҳлилий ресурслар Ўзбекистон олимлари учун» мавзуларида конференция иштирокчиларига маслаҳатлар ва амалий тавсиялар берилди.

Конференция якунида «Нашрларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги Қонун ҳужжатини қабул қилиш, республика аҳамиятига эга ахборот-кутубхона фондларини ўз вақтида хатловдан ўтказиш ва сақлаш масалалари-

да меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш мақсадида «Ахборот-кутубхона муассасаларининг ахборот-кутубхона фондларини сақлаш тўғрисида» ва «Ахборот-кутубхона муассасалари фондидан ахборот-кутубхона ресурсларини чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномаларини тасдиқлаш ишини жадаллаштириш, аудио китобларни яратиш ишларини жонлантириш ва уларни тарқатиш, ҳар йили республикада Ўзбекистоннинг таниқли арбоб ва ёзувчилари асарлари танланиб «Бир миллат – бир китоб» миллий акциясини ўқатиш ва ўзбек тилида миллий диктант танловини ўтказиш, масофадан таълим усуллари орқали ахборот-кутубхона мутахассис-ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини кенг миқёсда жорий этиш, бошланғич таълим муассасаларида ўқув жараёнига китобхонлик (мутолаа) маданияти ўқув соатини киритиш ва ёшларни китобхонликка жалб қилишда аввалам бор кичик ёшдаги болалардан бошлаш ва ушбу тажрибани мамлакат миқёсида қўллаб-қувватлаш, ахборот-кутубхона муассасалари иш фаолиятида кўнгилчилар (волонтер)ни жалб қилиш ва уларнинг ёрдами билан китобхонликни тарғиб қилиш, кутубхоналар фаолиятини жонлантириш, ахборот-кутубхона мутахассислари малакасини ошириш мақсадида мутахассисларнинг халқаро малака ошириш, конференциялар, чет эл кутубхоналари билан танишишлари учун имкониятлар яратиш зарурлиги қайд этилди.

